**Иккинчи чақириқ Олий Мажлис XI сессияси очилишига 14 кун қолди**



*Олий Мажлиснинг X сессиясида биринчи ўқишда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) лойиҳасига кўпчилик эътибор қаратаётганлиги бежиз эмас. Негаки, ушбу ҳужжат ҳуқуқий мақом олгач, тараққиётимиз омили сифатида хизмат қилиши тайин. Қуйида бу хусусда Навоий вилояти иқтисодий ночор корхоналар бошқармаси бошлиғи Усмон Нарзуллаевнинг фикри билан танишасиз.*

# ТАРАҚҚИЁТ ТАҚОЗОСИ

— Ўз жамоаси тақдири ҳақида қайғурмайдиган киши йўқ. Давр билан тенгма-тенг одимлаётган корхонада ишлашни ҳамма афзал билади. Унинг келажагига ишонч, завқ, ўзгача кўтаринкилик бағишлаши табиий. Гоҳида банкротлик эшик қоқмаяптими деган хавотир умумий иш маромига таъсир ўтказиши мумкин. Тегишли қонунларимизнинг пухта-пишиқлиги бунга асло ўрин қолдирмайди. Ахир, бугунги кун кечаги кунимизга ўхшамайди-да.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) иқтисодиётимизни барқарорлаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир. Ҳамма корхона ҳам тезда бозор шароитига мослашиб олавермайди. Кучли рақобат ғалвиридан сараланиб чиқиш анча қийин кечади. Баъзан тўловга қобилиятсиз бўлиб қолиш ҳам табиий ҳол. Шу боис амалдаги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни давр тақозоси деб тушунмоқ керак.

Янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси шу саволларга жавоб беради. Анча такомиллашганини дарров сезасиз. Банкротлик ҳолатига келиб қолган корхоналарнинг қайтадан оёққа туриб олишида, сўнгги чорагача чеклашлар берилишидаги имтиёзлар анча кенгайтирилган.

Банкротлик аломатлари лойиҳадаги асосий ўзгаришлардан биридир. Эндиликда бу жараён адолатли ҳал этилишига ишонч пайдо бўлди.

Вилоятимиздаги ўнлаб корхона, идораларда ушбу қонун лойиҳаси атрофлича муҳокамадан ўтмоқда. Фикрлар хилма-хил, таклиф ва мулоҳазалар кўп. Улар умумлаштирилиб, Олий Мажлис қўмиталарига, тегишли идораларга жўнатилаяпти. Ўйлаймизки, улар лойиҳанинг янада такомиллашувига ёрдам беради.

Вилоятимизда ўтган йили 65 та, жорий йилнинг биринчи чорагида 24 та хўжалик юритувчи субъектлар банкрот деб эътироф этилди. Амалий ёрдамлар туфайли 18 та жар ёқасидаги корхоналар қайта оёққа туриб олди. 8 та иқтисодий ночор корхонанинг молиявий аҳволи яхшиланди.

Бироқ, ҳали таназзулга йўл тутаётган корхоналар анча. Бу ҳол айниқса, қурилиш, савдо, транспорт соҳаларида кўп учрамоқда. Айни пайтда хўжалик субъектлари раҳбариятининг бошқарув ва ташкилотчилик қобилияти етишмаслиги сабабли ҳам шундай ҳолат юз бераётганлиги ҳаммага аён. Баъзи раҳбарларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимлари саёзлиги, бугунги бозор талабини билмаслиги нохуш натижаларга олиб келаяпти дейиш мумкин.

Хўш, банкротликнинг олдини олса бўладими? Бўлади! Янги таҳрирдаги қонун лойиҳасида у яққол ўз аксини топган. Баҳсталаб масалалар ечими акс этган лойиҳа қабул қилинса, инқирозларга қарши жараён янада тезлашиши турган гап.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАҚСАДЛИ КРЕДИТЛАШДАН — ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАШГА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фарғона вилояти «Пахтабанк»инининг Лангар бўлимида ишни мазкур талаблар асосида ташкил этишга алоҳида эътибор берилаяпти. Ҳозирги кунда унинг мижозлари сони 700 тага етиб қолди. Бўлимда биринчилардан бўлиб мақсадли кредитлашдан имтиёзли кредитлаш йўлига ўтилаяпти. Негаки, илгари фермерларга ажратилаётган бўнак пуллари юқори банклар томонидан кимга, қанча миқдорда тўланиши аниқ белгилаб қўйилиб, уларнинг ҳисоб рақамига туширилсада, бу маблағ айрим ҳолларда турли тўловларга ўтказиб юборилар эди. Энди эса кредитлашнинг бу ноанъанавий усулидан деярли воз кечилаяпти, яъни харажатларни қисқа фоизли кредитлаш механизми жорий этилаяпти. Бунинг учун туман суғурта компанияси, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорликда фермерларнинг имкониятлари, ишлаб чиқариш қувватлари, молиявий ҳолатлари ўрганиб чиқилди. Ҳар бир фермернинг буюртма папкаси тайёрланиб, биттадан банк мутахассиси бириктириб қўйилди. Натижада авваллари фермерлар банкка маблағ сўраб борган бўлса, эндиликда бириктирилган мутахассис фермер ҳузурига бориб, унинг талаб ва истакларини ўрганмоқда, бизнес-режаларни тайёрлашда ёрдам бераяпти.

Ҳозиргача банк билан ишлашда яхши тажриба орттирган 120 та фермер хўжалиги билан банк ўртасида кредитлаш механизмини йўлга қўйиш, маблағ ажратиш, сарф-харажатларни назорат қилиш юзасидан шартномалар тузилди. Келинг, мисолларга мурожаат қилайлик.

«Зироат» фермер хўжалиги шартнома асосида бу йил давлатга 110 тонна пахта, 59 тонна ғалла етказиб бериши керак. Жами харажатлар 6 миллион 350 минг сўмдан зиёдни ташкил этади. Банк шунча маблағ етказиб бериш юзасидан фермер хўжалиги билан шартнома тузди. Қисқа фоизли кредитнинг 2,5 миллион сўми буюртмачи талабига биноан, шу йилнинг дастлабки ойларидаёқ етказиб берилди. Фермер эса ажратилган ана шу маблағни ўз эҳтиёжига расамади билан ишлатмоқда. Хусусан, икки ой ичида 300 минг сўм иш ҳақига берилди, 275 минг сўм ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, 462 минг сўм минерал ўғитларга, 605 минг сўм эса техник хизмат кўрсатиш корхонасига ўтказилди. Айни пайтда фермернинг ҳисобида 431 минг сўм маблағ турибди.

Агар шунча маблағ тайёрлов корхоналари орқали аванс тариқасида берилганида, фермернинг ҳисобига туширилган бу маблағнинг ҳаммаси мақсадли йўналишларга ўтказиб юборилган бўлар эди. Энди эса фермер олган қарзини кимга, қанча ўтказишни ўзи белгилайди.

**«Ойдиной» фермер хўжалиги ҳам 2 миллион 121 минг сўм кредит олиш учун буюртма берган эди. Шунинг 845 минг сўми фермер ҳисобига тушди. Фермернинг техник хизмат кўрсатишдан қарзи йўқ экан. Қолган маблағлар эса минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш ва иш ҳақига ўтказиб берилди. 368 минг сўм маблағни эса фермер бундан буён қаерга ва кимга ўтказишни ўзи ҳал қилади.**

«Пахтабанк»нинг Лангар бўлимида, шунингдек, мутахассислар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Банк бошқарувчиси Расулжон Шаропов тумандаги мактаб директорларидан банк ишига қизиққан, ҳисоб-китобга пухта йигит-қизларни шогирд-мутахассис тариқасида банкка юборишларини илтимос қилди. Шу тариқа ҳозир банкда алоҳида синов-танловдан ўтган 4 та мактабнинг бир неча ўқувчилари шогирдлик мақомида иш ўрганяпти. Уларнинг барчаси Охунбобоев туманилик, асосан деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланадиган оилаларнинг фарзандлари. Масалан, Иқрор Жалилов Қорақушчи қишлоғидаги 29-мактабнинг 9-синфида ўқийди. У тушгача дарсга қатнаса, тушдан кейин «Пахтабанк»нинг касб ўргатувчи шогирд-мутахассиси ҳисобланади.

— Оиламизда олий маълумотли иқтисодчилар йўқ, — дейди Иқрор. — Ёшлигимдан ҳисоб-китобга қизиқар эдим. Интилишларимни мактабимиз директори ҳам қўллаб-қувватлади. Ҳозир банкда устозим Илҳом Фозиловдан молиялаштириш сирларини ўрганаяпман. Ниятим — келгусида банк мутахассиси бўлиб етишиш, фермер хўжаликлари учун кредитлар ажратиш, молиялаштириш борасида иш олиб бориш. Тепатаги қишлоғилик Фазлиддин Юсупов, Писах қишлоғилик Асадилло Қосимов, янгиариқлик Рустам Яҳёев ҳам бугун банк сирларини ўрганишаяпти.

— Биз ўқувчиларни ёшлигиданоқ банк ишига қизиқтириб, бу борада туманда етишмаётган мутахассислар ўрнини тўлдиришни ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўйганмиз, — дейди Расулжон Шаропов. — Ўқувчиларни қизиқтириш учун мен шахсий жамғармамдан ҳар ойда 1000 сўмдан бўлажак банкирлар ҳисобига ўтказиб бораяпман. Бу маблағ ёш банкирларнинг олий ўқув юртларига кириб ўқишларида асқотиб қолади, деган умиддаман.

Ҳозирги кунда вилоятда етиштирилаётган пахтанинг 96 минг тоннаси, ғалланинг 86 минг тоннаси фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ана шу маҳсулотларни тайёрлашга 8 миллиард сўм атрофида маблағ сарфланиши кутилмоқда. Шу мақсадда қисқа муддат ичида имтиёзли кредит сифатида 200 миллион сўм маблағ фермерларга тарқатилди. Янгича ишлаш, ислоҳотларни жорий этиш, энг муҳими, кредитлашнинг дунё тажрибасидан фойдаланиш ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Бугуннинг талаби ҳам, эҳтиёжи ҳам шу.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Наманган вилоятининг Поп туманида шошилинч тиббий ёрдам маркази шу баҳор кунларида иш бошлади. Замонавий безаклар билан пухта таъмирдан чиқарилган уч қаватли бинода бир-биридан шинам 210 та хона бор. Остона ҳатлаб киришингиз билан мармар кошинлар баҳру дилингизни очади.*



# Попда замонавий шифохона

Асосийси бу эмас. Янги марказда энг замонавий асбоб ва жиҳозлар ўрнатилган, йирик тиббий муассасаларда малака орттирган шифокорлар беморлар дардига малҳам бўлишга ҳамиша шайдирлар. Энди ҳар қандай мураккабликдаги касаллар вилоят марказига овора бўлишмайди, шу ернинг ўзида даволанишади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назировнинг айтишича, Попдаги шошилинч тиббий ёрдам марказида энг ноёб ва энг оғир жарроҳлик операцияларини ҳам амалга ошириш учун ихтисослаштирилган марказлардаги каби имкониятлар яратилган.

Ушбу марказ Попнинг янгиланган қиёфасига узукка кўз қўйгандек мос тушди. Унга 300 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланди. Инсон манфаатлари устувор бўлган мамлакатдагина аҳоли саломатлигини муҳофаза этишга шундай шароит туғдирилади.



**Турғунбек МАҲКАМЗОДА.**
**Муаллиф олган суратлар.**

## Қорақалпоғистон Конституциясига 10 йил

Бердақ номидаги драма театри биносида Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Республиканинг Бош Қомуси Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ ўн иккинчи сессиясида қабул қилинган эди.

Тантанали йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Конституцион назорат қўмитаси раиси А.Аметов маъруза қилди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Б.Қидирниёзов қатнашди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Мулоҳаза

*Ўтган йил ёзида чилонзорлик Турсуной Отахонова хонадонида қувончли воқеа рўй берди. Унинг невараси кўпчилик ҳавас қилса арзигулик ютуққа эришди. Аниқроғи, чет элга бориб ўқиш имтиёзига эга бўлди. Шу муносабат билан Турсуной опа чолига "Болагинамизнинг боласига — қантак ўрикнинг донасига нима совға қилсак экан?" мазмунида савол берди. Қарангки, кўпни кўрган, замона зайлига боққан отахондан сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмайдиган даражада жўяли фикр чиқди. "Мусофирчиликда ортиқча матоҳнинг сираям кераги йўқ", деди. "Мандан сўрасанг, яхшиси, накд пул бериб қўя қолайлик. Бегона юртда корига асқотар, ҳадянинг каттасини қайтиб келгач олар", деди.*

# ШОХИГА ЭМАС, ИЛДИЗИГА...

Хуллас, эр-хотин гапни бир жойга қўйишади. Суюкли неварага аталган сармояни хориж валютасига — АҚШ долларига алмаштириб бермоқчи бўлишади. Турсуной опа ана шу илинжда тонгсаҳарлаб йўлга отланади. Ҳаял ўтмай Миллий банкнинг Чилонзор туманида жойлашган "Саёҳат" бўлимига кириб боради. Бироқ шу пайтга қадар бунақа юмуш билан шуғулланмагани панд беради. Нима қиларини, кимга учрашишни билмай боши қотади. Бир маҳал касса олдида турган икки жувонга кўзи тушади. Уларни ўзига яқин тутиб, йўл-йўриқ сўрайди. Сўрайди-ю, балога қолади. Аёллар кутилмаганда тутақиб кетишади. "Бу ерда "живой очередь" бор. Биз ҳамиша навбат кутиб, ётиб оламиз. Марҳамат, сиз ҳам шундай қилинг. Акс ҳолда, осонликча пул алмаштираман, деб хомтама бўлманг!" дея икки тарафдан юмма талашади.

Турсуной опа дили ўксиб, ортига қайтади. Бу ҳолат эртасига, индинига, келаси ҳафтада ҳам такрорланади. Озмас-кўпмас, роппа-роса олти ой давом этади. Турсуной опа ҳар сафар касса олдига танда қўйиб олган ўша хонимларга рўбарў келаверади. Пулини алмаштира олмай ҳафсаласи пир бўлаверади. Бора-бора кунда-шунда аёлларнинг исмлари Наимаю Заҳро эканлигини билиб олади. Бундан ташқари, улар ҳар кунги навбатлардан биттасини банк бошлиғига, иккинчисини милиция ходимига, учинчисини кассир қизларга, деб ўзларича тақсимот ўрнатишганидан, навбат бўйича ичкарига кириб, пул алмаштириб чиқаётганлардан 10 минг сўмдан "капсан" талаб қилишаётганидан ҳам огоҳ топади. Бировининг "Қўлларингдан келганини қилларинг, барибир, кучларинг етмайди. Фалончи вазир менинг устуним" деб катта кетганига, бошқасининг "Мен пулни писмадон хизмат ходимигаобориб бердим. Санлар ишонмай орқамдан кузатдингларми? Эркакмисанлар ўзи?" дея мижоз йигитларни ҳақоратлаганини эшитади. Ахийри, кўрган-билганларини чоли билан ҳамкорликда қоғозга тушириб, таҳририятимизга йўллайди. Зўравон аёлларнинг танобини тортиб қўйишда ёрдам сўрайди.

Албатта, баъзан уйдаги гап кўчага тўғри келмайди. Қўлга тушмаган ўғрини жиноятчи ҳисоблаб бўлмайди. Шу боис биз эр-хотин келтирган далилларни текшириш ва қонуний чора кўриш учун хатни тегишли идорага юборгандик. Алқисса, яқинда Чилонзор тумани прокурори З.Иброҳимовдан расмий жавоб олдик. Унда таъкидланишича, мазкур прокуратура ҳузуридаги солиққа ва валютага қарши курашиш бўлимининг тезкор ходимлари 28 январь куни текширув тадбири ўтказишган. Шу асно аризада қайд этилган важлар тасдиғини топган. Наима Султонова исм-шарифли аёл фуқаро Вера Муродова номига 1500 АҚШ доллари ва қиймати 1000 АҚШ долларига тенг йўл чекини расмийлаштириб, ундан валюта қимматликларини олаётган ҳамда "хизмат ҳақи" эвазига 20 минг сўм бераётган пайтида ушланган. Айни ҳолат юзасидан эртаси куниёқ республика Жиноят кодекси 177-моддасининг 3-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилган.

Демак, кўриб турибсизки, бир жиноятнинг пайи қирқилган. "Долларчи" аёлнинг ножўя қилмишига чек қўйилган. Бу — жуда яхши! Фақат кишини бошқа бир нарса ҳайратга солади: Наимахонга бунча миқдордаги хориж валютаси нима учун керак эди? Чет элга бормоқчимиди? Унда нега долларларни ва йўл чекини бировнинг номидан олди, устига устак, нега "хизмат ҳақи" берди? Мантиқдан келиб чиқсак, ҳаммаси ўз-ўзидан ойдинлашади: у, шубҳасиз, ўша долларларни эрта-индин "қора бозор"га олиб чиқиб, давлат курсидан анча юқори қийматда сотишни, пировардида Верахоннинг "холис хизмати"га сарфлаган 20 минг сўми ҳисобига бир неча баравар ортиқча "соф фойда" кўришни мўлжаллаган.

Яна бир гап. Атиги биттагина текширишнинг ўзидаёқ шундай катта қонунбузарлик аниқланибди. Бундай жиноятлар айнан шу банк бўлимида ёки валюта алмаштирувчи бошқа шохобчаларда олдин ҳам рўй бермаганига, ҳозир ҳам ими-жимида давом этмаётганига, унга ушбу муассасаларнинг масъулларию тартиб-интизомни сақлашга даъват этилган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ўзлари бош қўшмаётганига ким, қандай кафолат бера олади?

Бизнингча, касалликни даволашдан кўра олдини олган, туб илдизини қирққан минг марта афзал. Акс ҳолда, иллат барҳам топмайди. Бир шохини кессангиз, иккинчиси ўсиб чиқаверади.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ЯНГИЛАНИШ ФАСЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

У Қорақалпоғистон пойтахти сифатида юртдошларимиз кўз ўнгида ажиб жозиба касб этди.

Биз шаҳар ҳокимлигида юбилейолди тадбирларининг барча бандларини кўриб чиқдик. Айрим жузъий камчиликларни ҳисобга олмаганда, унда белгиланган вазифалар бажо келтирилган. Нукус тарихи, маданияти, иқтисодиёти ҳақидаги олимларнинг китоби, рангли альбом яхши полиграфик ижрода босмадан чиқарилган. Илмий-амалий анжуман ўтказишга ҳамма нарса тахт қилинган. Байрам концерт дастури сайқалланмоқда, унда маҳаллий санъаткорлардан ташқари Тошкентдан келган санъат усталари ҳам иштирок этишади. Хуллас, ташкилий масалалар амалда ҳал этилган.

Шаҳардаги Савицкий номли санъат музейи алоҳида меҳр билан қурилган. Бу ерда 5 минг томошабин ўтирадиган амфитеатр вужудга келди. Нукусликлар ана шу иншоотда "Пахта байрами"ни ўтказиб кўришди. Кўплаб шаҳарликлар янги уй-жойларнинг ордерини олдилар. Бердақ номидаги мусиқали театр биноси таъмирланди, аэропортнинг биринчи навбати, 1-Республика шифохонаси, Мустақиллик, Халқлар дўстлиги майдонлари, кўплаб кўчалар таъмирдан чиқарилди. Ҳозирги пайтда Қизкетган канали соҳилида шаҳарликлар ҳордиқ чиқарадиган маскан яратилмоқда.

Нукус аҳли шу кунларда катта байрам руҳи билан яшамоқда. Кўчалар, хиёбонлар, майдонлар саронжом-саришта. Шаҳар атрофига ўтказилган «яшил белбоғ»ни кўрсангиз, баҳри дилингиз очилади.

Бажарилган юмушлар салмоғини ҳис этиш учун тадбирлардаги биргина — "Бердақ номидаги театрни таъмирлаш" бандига мурожаат қилайлик. Ушбу санъат даргоҳи бундан қарийб 30 йил муқаддам қурилган ва онда-сондагина енгил-елпи таъмирлаш ишлари қилинган эди. Энди театр янгидан туғилди, дейиш мумкин. Унинг саҳнаси паркет пол билан қопланди. Энди бу ерда саъаткорлар бемалол ўз маҳоратларини намойиш этаверадилар. Илгари театрда иситиш масаласи муаммо эди. Мана энди, алоҳида қозонхона қурилгач, бу масала ҳал этилди. Биринчи қават фойесининг шифтлари ҳам рекламаларда қайта-қайта кўрсатилаётган армстронг билан безатилди. Кўча томонга қараган ойналар алмаштирилди.



Бинонинг ташқи қиёфасини қандай қилиб гўзаллаштириш масаласи бир неча бор муҳокама қилинди. Бу ердаги мармар кошинлар унча кўзга ташланмас, кўплари кўчиб кетган эди. Ниҳоят, алюгофон деб аталган ноёб хомашё бу ерга жуда-жуда мос келди. Унинг кўриниши ҳам чиройли, сифати ҳам пишиқ-пухта. Тўғри, бу қурилиш материалининг нархи қиммат дейишди. Лекин шундай театрга ишлатилса арзийди. Томоша залидаги ўриндиқлар қайта тикилди. Фаввора қайтадан жиҳозланди. Хуллас, театрнинг ичи ҳам, таши ҳам ўзгача қиёфа касб этди.

Театр директори Ўзбекистон халқ артисти, Бердақ номидаги Давлат мукофоти соҳиби Нажиматдин Ансатбоев худди ўз юбилейини ўтказаётган кишидай хурсанд. Бу ерда ишлаш мен учун ҳузур бағишламоқда, дейди у. Театр жамоаси кўрсатилаётган ғамхўрлик учун мамлакат раҳбарларидан миннатдор.

Театрда ижод қизғин давом этмоқда. Ҳар бир кун ва оқшом янги воқеаларни туҳфа этади. Иккинчи қаватнинг фойесида сувратлар кўргазмаси ўтказишга тайёргарлик кетмоқда.

Театрга 1827-1900 йилларда яшаган буюк қорақалпоқ шоири ва маърифатчиси Бердақ номи берилган. Бу ерда ана шу мутафаккирнинг хотираси алоҳида эъзозланади. Бир қатор энг нуфузли ташкилот ва муассасалар унинг номи билан аталмоқда.

Қорақалпоғистонда аждодларимиз босиб ўтган тарих, анъана ва удумлар алоҳида қадрланади. Бу ерда яшаётган одамлар оддий, хуштабиат, замонавий ва маърифатли. Улар бошқа миллатлар билан аҳил ва бағрикенг. Қийинчиликлардан нолишмайди. Қорақалпоқларнинг ўз қадриятлари уларни безайди. Агар хонадонга меҳмон келса ҳамма дастурхон атрофида бирга ўтиради.

Қорақалпоғистонда иқтисодиёт, фан, маданият, маорифга хизмат қилган ёрқин сиймолар жуда кўп. Ана шундай кишилар ва бошқа жиҳатлар тўғрисида кейинги чиқишларимизда ҳикоя қиламиз.

**Озод САИДОВ,**
**"Народное слово"нинг махсус мухбири.**
**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

Газетада босилмади, аммо...

## Обуна қилиш учун ҳомий топилди

### Таҳририятга хат

*Мен Ҳазорасп туманининг Овшар қишлоғида яшайман. Ёшим 38 да. Лекин юролмайман. Болалигимдан биринчи гуруҳ ногирониман. Шунга қарамай, газета-журнал ўқишни канда қилмайман. Айниқса, "Халқ сўзи"нинг ашаддий мухлисиман. Унга жорий йилда ҳам ёзилиш ниятида эдим. Афсуски, йиллик обуна нархи бирмунча ошиб кетгани боис орзумга эришолмадим...*

**Иномбой БЕКЧОНОВ.**

### Расмий жавоб

**Ушбу арзнома ҳокимлик томонидан ўрганиб чиқилди. Пировардида Иномбой Бекчоновнинг оилавий шароити ҳисобга олиниб, у "Матбуот уюшмаси"нинг туман бўлими ҳомийлигида "Халқ сўзи"га йил охирига қадар обуна қилинди. Ҳозир газетанинг кундалик сонлари унинг уйига пешма-пеш етказиб берилмоқда.**

**Ш. ЯХШИБОЕВ,**
**Ҳазорасп тумани ҳокими ўринбосари.**



*Иккинчи жаҳон урушидан кейин Япония анча оғир аҳволда қолган эди. Моддий ва молиявий воситалар тақчиллиги иқтисодиётни тиклашда катта муаммо туғдирарди. Кўплаб қишлоқ ва шаҳарларнинг бомбардимон қилиниши, Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомба ташланиши оқибатида саноат қувватларининг қарийб 60 фоизи ишдан чиққан, йўллар, бандаргоҳларнинг катта қисми вайрон бўлган эди.*

*Шу боис урушдан кейинги иқтисодий тикланиш асосига "аралаш иқтисодиёт" деб аталадиган модел қўйилди. Бундай ёндашувдан мақсад бозор механизмларига қатъий риоя қилган ҳолда ишлаб чиқаришга хусусий сармоя йўналтириш, давлат аппарати ва бюджетни имкон қадар ихчамлаштириш эди. Ҳукумат нафақат мамлакат ичкарисида, балки ташқи шериклар орасида ҳам ўзига ишончни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратди. Ривожланишнинг "Фалаж қилиб даволаш" усули эмас, босқичма-босқич тараққиёт тамойили танлаб олинди.*

# Япония — матонатли одамлар юрти

**Тикланиш тарихидан**

Шуларнинг барчаси қаторида ҳукумат хусусий секторнинг хўжалик фаолияти учун қулайликлар яратиш масаласи устида ҳам жиддий ишлади. Инфляцияни жиловлаш ва миллий валютани мустаҳкамлаш учун давлат молия маблағларини мувозанатда сақлаш ва тўлов қобилиятини таъминлаб бориш чораларини кўрди. Шуниси эътиборлики, Япония ҳукумати давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ўрни, деганда, иқтисодий жараёнларни бевосита ўз назорати остига олиш назарда тутилмаслигини яхши англарди. Шу сабабли бошқарувда фақат молия ва солиқ тизимлари асосий восита сифатида белгилаб олинди.

Япония ҳукумати мақсадли дастурлар ва прогнозлар кўринишида асосий иқтисодий йўналишларни ҳам белгилаб берди. Саноатнинг давлат томонидан устувор тарзда қўллаб-қувватланадиган тармоқлари аниқлаб олинди. Бундай тармоқларга, жумладан, металлургия, машинасозлик, денгиз транспорти ва кемасозликни киритиш мумкин.

Миллий иқтисодиётнинг молиявий воситаларга эҳтиёжини қондириш қатор чора-тадбирларни ўз ичига олган комплекс дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этарди. Бу дастур бирваракайига бир неча йўналишда ҳаётга татбиқ этила бошлади.

Бу чоралар аввалида ички омонатларни рағбатлантириш турар эди. Япониянинг умумий сармоясида омонат жамғармасининг ҳиссаси 30 фоиздан ошиб кетди. Бу қанчалик катта молиявий восита эканлигини эса айтиб ўтиришга ҳожат йўқ. Ҳолбуки, ривожланган Ғарб давлатларида бу борадаги кўрсаткич анчайин паст эди. Масалан, АҚШда 17-18, Ғарбий Европа мамлакатларида ўртача 20 фоиздан ошмасди.

Иккинчи чора сифатида аҳолининг шахсий омонатларини ишлаб чиқаришга жалб этиш вазифаси олдинга қўйилди. Бунинг учун фуқароларнинг банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш, ўз маблағларини хавотирсиз унга ишониб топширишга кўндириш керак эди. Шундай қийин шароитда одамлар ўз банкларига ишонишди. Улар оммавий равишда пулларини банкларга қўя бошлашди. Бу эса пул маблағлари айланмасини кўпайтирди. Мамлакат иқтисоди аста-секин изга тушди. Бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг натижасини бугун ҳам кўриб турибмиз: японлар ўз банкларига қаттиқ ишонадилар, натижада банк соҳаси яхши ривожланган, умуман, урушдан кейинги даврда ҳали бирор марта банклар инқирозга юз тутмаган, аҳоли эса оммавий тарзда пулларини қайтариб олмаган.

Инфратузилмани ривожлантириш ҳам кечиктирилмас тадбирлардан эди. Бунинг учун давлатнинг кирим-чиқимидаги маълум ҳиссани шу томонга йўналтириш талаб этиларди. Яъни, қўшимча маблағ топиш керак эди. Бу сармоя истеъмол харажатларини камайтириш эвазига қўлга киритилди ва йўлсозлик, бандаргоҳлар бунёд этиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилди.

Ниҳоят, ҳукумат хориждан сармоя жалб қилишда фаол иштирокчи бўлди. Бунинг учун хориж сармояси тўғрисида қонун қабул қилинди. Хориж сармояси бўйича кенгаш, деб аталувчи махсус орган ташкил этилди. У четдан сармоя киритиш билан боғлиқ барча лойиҳаларни кўриб чиқарди.

Давлат қанчалик ислоҳотчи бўлмасин, уни одамлар қўллаб-қувватламаса ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Урушдан чиққан Японияни кечаю-кундуз тинмасдан ишлайдиган механизм ҳаракатига ўхшатиш мумкин. Одамлар икки уч сменалаб меҳнат қилишарди. Ҳамманинг орзуси битта эди: Японияни энг илғор мамлакатлар қаторига чиқариш.

Урушда кўплаб ўқув юртлари, мактаблар вайронага айланган эди. Янги мактаблар қуриш учун эса маблағ етишмасди. Шундай шароитда мактабларда дарслар бир кун ҳам тўхтамади. Ўқитувчилар маош олмасада, ишини давом эттираверди. Дарслар кўчаларда, очиқ жойларда ўтказиларди. Қишда совуққа чидаб бўлмасди, баъзан ўтиришга оддий стол-стул етишмасди, лекин ҳеч ким бундан норози бўлмас, барча болалар жону дили билан дарсга қатнарди. Чунки мамлакатни инқироздан билимли иқтидорли ёшлар олиб чиқишини ҳамма тушуниб етганди.

Японларнинг яна бир ютуғи, улар ўзларида ишлаб чиқариш мумкин бўлган истеъмол товар-



ларини четдан келтиришга бутунлай чек қўйдилар. Улар тайёр товар келтиришдан кўра, ўша маҳсулотни ишлаб чиқарадиган технология-дастгоҳлар, цехлар сотиб олиш зарурлигини тушуниб етгандилар. Чунки маҳсулотни четдан келтириш, мамлакатнинг қашшоқланишига, минг азоб билан топилаётган валютанинг чиқиб кетишига сабаб бўлади.

Кўпчилик япон фуқароси учун шахсий манфаат иккинчи даражали ҳисобланади. Улар Ватан равнақи, манфаатини ҳар нарсадан устун қўйишади. Бу ҳам Японияни қисқа муддатда тикланишига сабаб бўлган омиллардан ҳисобланади.

Кунчиқар мамлакат халқига хос бўлган муҳим бир хусусият, японлар тартиб-интизомга қатъий риоя қиладилар. Раҳбарнинг, иш берувчининг гапи ишчи учун қонун ҳисобланади. Бу раҳбарнинг ҳар қандай буйруғини кўр-кўрона бажаришни эмас, ишга виждонан, ҳалол ёндашишни билдиради. Чунки тартиб-интизом бўлган жойда ишда унум ва сифат кафолатланади.

Машҳур япон ёзувчиси Кэндзабуро Оэ урушдан кейинги тикланиш йиллари ҳақидаги очеркларида мамлакатда темир интизом ҳукмрон бўлганини, ҳамма унга жон-жон деб амал қилганини ёзади.

Тарихга япон мўъжизаси бўлиб кирган давр чин маънода кунчиқар мамлакат халқини ҳақиқий синовдан ўтказди. Лекин одамлар ўз матонати, сабр-тоқати, ҳалол меҳнати билан барча қийинчиликларни енга олди. Улар гарчи ейишга, кийишга ҳеч нарсалари бўлмасада, фақат бир мақсад — мамлакатни инқироздан олиб чиқиш йўлида бирлашдилар.

Шу тариқа Япония шиддатли тараққиёт йўлига тушиб олди. 50-йиллар ўрталаридан бошлаб унинг иқтисодий кўрсаткичлари рекорд даражага чиқди. Япония Иккинчи жаҳон уруши тугаб, орадан ўн йил ўтганидан кейин яна ўзининг аввалги ҳолатига қайтди. 1955-1973 йиллар давомида йиллик иқтисодий ўсиш ўртача 9,7 фоизни ташкил қилди. Ўсишнинг бундай шиддатини 1973 йилги нефть инқирози пасайтира олди, холос. Лекин шунга қарамай, 1975-1985 йиллари иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 3-5 фоизни ташкил этиб турди.

Япония иқтисодиётининг баланд парвозини бир-икки аниқ мисоллар билан кўрсатган маъқул. 1960 йили автомобилсозлик саноати 165 минг дона автомобиль ишлаб чиқарди. АҚШда эса бу кўрсаткич йилига 6,7 миллион донани ташкил этарди. 1959 йилнинг январида "Уолл-стрит жорнэл"да бир мақола пайдо бўлди. Унда Япония автомобилсозлик компаниялари АҚШга йилига 700 минг автомобиль экспорт қилишга қаратилган жуда қалтис режа ишлаб чиққани ҳақида сўз борарди. Бир япон ишбилармони эса, "ҳисоб-китобларимизга кўра АҚШ 1960 йили 500 минг автомобиль импорт қилмоқчи экан, нега энди биз қараб туришимиз керак!" дейди.

Бугун АҚШда минглаб дўконлар 2 миллиондан зиёд япон автомобилини сотади. Уларнинг умумий баҳоси 25 миллиард АҚШ долларидан кўп. Эндиликда "Тойота" АҚШда энг кўп ўғирланадиган машинага айланган.

Умуман олганда, Япония 1980 йили автомобилсозлик бобида АҚШдан ўзиб кетиб, дунёда биринчи ўринга чиқиб олди. 1981-1989 йиллари эса у АҚШга мисли кўрилмаган миқдорда — 198,2 миллиард АҚШ долларилик автомобиль экспорт қилди.

Жаҳон тажрибаси бозор иқтисодиётини шакллантиришда кичик бизнес давлат ёрдамига жуда катта эҳтиёж сезишини, бу сектор ҳар қандай давлатда иқтисодиётнинг таянчи бўлишини кўрсатади. Буни япон тажрибаси орқали яна бир марта исботлаш мумкин. Мамлакатдаги жами фирма ва компанияларнинг 99,6 фоизи кичик ва ўрта бизнес субъектларидир. Сотилган маҳсулотларнинг 55, саноатда банд бўлганларнинг 80 фоизи шу сектор ҳиссасига тўғри келади.

Иккинчи жаҳон урушидан олдин Японияда монополистик бирлашмалар ("дзайбацу") ҳукмрон эди. Лекин урушдан кейинги оғир ҳолатга ҳаракатчан, бозор ва конъюктура, талаб ва таклиф ўзгаришларига тез мослаша оладиган, катта миқдорда сармоя ётқизиш ва узоққа чўзиладиган қурилиш ишларини талаб қилмайдиган кичик ва ўрта корхоналар кўпроқ мос келарди. Шу боис ҳукумат ёрдами билан уларнинг сони кескин ортди. Натижада ортиқча иш кучининг маълум қисми шу секторга сингиб кетиб, ишсизлик муаммоси ҳам бирмунча ҳал этилди.

1950-йиллар бошидаёқ Япониядаги кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони 3 миллиондан ошиб кетди. Бошида уларнинг кўпида меҳнат шароити оғир, кадрлар малакаси паст эди. Чунки, одатда ота корхона очар ва ўз оила аъзолари билан уни ишлатар эди. Ҳукумат қарзга ботиб бўлса-да, одамларни четда ўқитиш, мамлакатнинг ақлий салоҳиятини юксалтиришга зўр берди. Бу иш учун мисли кўрилмаган даражада катта маблағ сарфланди. Чунки етук кадрларсиз саноатни ҳам, қишлоқ хўжалигини ҳам, бошқа соҳаларни ҳам ривожлантириб бўлмасди. Маълум муддат ўтиб, илмий-техникавий тараққиёт қисқа фурсатда корхоналарни қайта қуриш, янги маҳсулотни ўзлаштиришга камроқ вақт сарфлаш, ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш орқали унинг сифатини яхшилашга имкон яратди.

Урушдан кейинги тикланиш ҳақида гапирар эканмиз, аҳолининг фаровонлигига ҳам тўхталсак, вазият янада яққолроқ намоён бўлади. Расмий маълумотларга кўра, кунчиқар мамлакат одамларнинг узоқ умр кўриши бобида дунёда биринчи ўринга чиқиб олган. Ҳозир Японияда "юз билан юзлашган" фуқаролар сони тахминан 18 мингни ташкил этади. Бу кўрсаткич йилига ўртача 2,5 мингдан кўпаймоқда. Юзни ҳатлаганлар сони 1981 йили мингдан ошган эди, 1998 йили 10 мингдан ошди. Бунга тўғридан-тўғри иқтисодий тараққиёт, илмий-техникавий юксалиш, оқилона ижтимоий сиёсат каби омиллар сабаб бўлмоқда.

**Бекқул ЭГАМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

### Ҳаво кенглиги назорат остида



**АҚШ ҳарбийлари Ироқнинг барча ҳаво кенгликлари тўлиқ назорат остига олинганлигини маълум қилди.**

**"Рейтер" агентлигининг хабар беришича, бундан бирмунча олдин Пентагон, Бағдод ва Тикрит шаҳарларидан ташқари, Ироқнинг барча ҳаво кенгликлари назорат қилинаётганини маълум қилган эди.**

### Асирликдан қутулишди

**Икки нафар польшалик журналист Ироқда асирга олинган эди. Лекин улар қочишга муваффақ бўлишди.**

**"Рейтер" мухбирининг маълумотига қараганда, польшаликлар қуролли ироқликлар томонидан қўлга олинган ва Хилл шаҳридаги мактаблардан бирида сақланган. Уларнинг асирликдан қутулишига мактаб ўқитувчиси кўмаклашган.**

### Курдлар Киркук остонасида



**Курдларнинг қуролли отрядлари Шимолий Ироқдаги Киркук шаҳрига яқинлашди. Улар шаҳардан 10 километр узоқдаги Секомон стратегик нуқтасини эгаллашди, деб хабар беради "ИТАР-ТАСС" мухбири.**

### Жиноят фош этилди

**Сербия Бош вазири Зоран Жинжичга қарши уюштирилган жиноят фош этилди. Республика ички ишлар вазири Душан Михайлович ана шу ҳақда маълум қилди. Унинг айтишича, суиқасдда қатнашганликда гумон қилинаётганлар айбига иқрор бўлишди, уларнинг ичида Бош вазирга ўқ узган снайпер ҳам бор, деб хабар беради "Deutsche Welle".**

### Бир йилдан сўнг...

**Бир йилдан зиёдроқ вақт олдин ҳушини йўқотган Калифорния штатида яшовчи 18 ёшли Жессика Диаз исмли қиз ўзига келди, деб хабар беради "Си-эн-эн".**

**Миясидаги шишдан азият чекаётган қизни шифокорлар операция қилиб, мия ҳажмининг қарийб ярмини олиб ташлашган ва ўшанда қиз беҳушлик ҳолатига тушганди.**

**Шифокорларнинг айтишича, беморнинг мияси тиклана бошлаган. У энди гапириши ва ҳаракат қилиши мумкин.**

---

*Деҳлидаги Жавоҳарлал Неру Университетида "МДҲ: глобаллашув даврида сиёсат ва иқтисодиёт" мавзусига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ушбу тадбир мазкур Университетнинг Халқаро тадқиқотлар мактаби ҳузуридаги Россия, Марказий Осиё ва Шарқий Европа мамлакатлари тадқиқотлари маркази томонидан ташкил этилди.*

## МИНТАҚА МУАММОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Икки кун давомида "Марказий Осиё ва Ҳамдўстлик мамлакатларида интеграция жараёнлари", "Афғонистон ва Марказий Осиё", "Марказий Осиёда атроф-муҳит муҳофазаси" ва бошқа мавзулардаги қатор маърузалар тингланди. Ушбу амалий йиғилиш қатнашчилари ҳар бир мавзу доирасида қизғин баҳс-мунозаралар олиб боришди. Бу эса кўтарилган масалаларнинг қай даражада долзарб эканлигидан ҳамда Ҳиндистон илмий жамоатчилигининг бутун дунёда, жумладан, Марказий Осиё минтақасида кечаётган ўзгаришларга, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ қарамаслигидан далолат беради.

Анжуманда Марказий Осиё мавзуси, минтақа мамлакатларининг ўзига хос ва бир-биридан фарқли жиҳатлари, уларнинг юритаётган сиёсати ва иқтисодий салоҳияти, дунё ҳамжамияти билан ўзаро алоқалари каби муҳим масалалар мунозаралар марказида бўлди. Минтақада Ўзбекистоннинг етакчи ўрин тутиши, бугунги кунда у дунё ҳамжамиятида ўзининг алоҳида ва мустаҳкам мавқеига эга эканлиги олим ва сиёсатчилар томонидан бир неча бор таъкидланди.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири**
**Деҳли.**

# Халқ банки — халқ билан бирга

Ўз номи билан халққа энг яқинлигини англатиб турган республика Халқ банки иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсишини таъминлашда, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда ҳақиқий ҳамкор ва молиявий кўмакчи сифатида шаклланиб, тобора такомиллашиб бормоқда. «Халқ банкини 2001-2005 йилларда ривожлантириш дастури»нинг қабул қилиниши, аниқса, бу молиявий муассасани универсаллаштириш ва янги поғонага кўтариш, банк стратегиясининг истиқболли мақсадларига эришиши ҳамда ташкилий тузилмасининг халқаро андозалар даражасига кўтарилишга хизмат қилди. Ўтган даврда банк ўз молиявий аҳволини янада барқарорлаштириш билан бирга халқаро мавқеини мустаҳкамлаш борасида ҳам изчил фаолият юритди. Айни пайтда Халқ банки Жаҳон жамғарма банклари институтининг аъзоси сифатида тан олинган. Бир неча нуфузли халқаро молия институтлари билан алоқалар ўрнатган.

Халқ банкининг Самарқанд вилояти бошқармаси ҳам ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг фаол иштирокчисидир. Бошқарманинг йигирмата туман ва шаҳар филиали тасарруфида 286 та шохобча мавжуд. Ана шу шохобчалар базасида ҳозиргача жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида 7 та мини банк ташкил этилди. Маҳаллаларнинг ўзида банк шохобчалари ва мини банклар фаолиятининг йўлга қўйилгани эса аҳолининг маиший хизмат ва коммунал тўловларидаги мушкулини осонлаштираяпти. Улар томонидан аҳолига моддий ёрдам ва бошқа турдаги барча нафақалар ўз вақтида етказиб берилаяпти. Бундай маблағлар миқдори ойига ўртача 1 миллиард 300 миллион сўмга етмоқда. Бу — ҳар бир шохобча ойига ўрта ҳисобда 4 ярим миллион сўмликдан хизмат кўрсатади, демакдир..

Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, Халқ банки ҳар бир оилага кириб бораяпти, ҳар бир хонадоннинг банкига айланаяпти.

Халқ банки вилоят тизимида шу кеча-кундузда 1210 нафар ходим ишламоқда. Уларнинг 215 нафари олий маълумотли, 15 нафари бакалавр, 2 нафари магистр ва 747 нафари ўрта махсус маълумотли кадрлардир. 2002 йил давомида банкнинг вилоят бош бошқармаси ва жойлардаги муассасаларда ходимларнинг малакасини ошириш, мутахассисларни касбий жиҳатдан тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари мунтазам равишда амалга оширилди. Йил мобайнида, шунингдек, 501 нафар банк ходими республика Халқ банки бошқаруви томонидан ўтказилган минтақавий банк ўқув марказида ҳамда қисқа муддатли семинарларда малака ошириб қайтди. Бундан ташқари, 68 нафар ходим, аниқроғи, бошқарувчилар, бошқарувчи ўринбосарлари, бош ҳисобчилар, бўлим бошлиқлари ва масъул ходимлар республика Марказий банки қошидаги ўқув марказида «Замонавий банк иши», «Тижорат банкларида замонавий кредит операцияларини ташкил этиш», «Депозит ва жамғармалар иши» мавзулари бўйича малака оширдилар. Ушбу ўқув семинарлари хорижий мутахассислар томонидан ўтказилганлиги, айниқса, эътиборга сазовордир.







Бугунги кунда Халқ банки — Ўзбекистон Банк тизимининг энг йирик бўғинларидан бири. У мамлакатимизда фуқаролар омонатларининг бут сақланишига давлат томонидан кафолатланган ягона банкдир.

Аҳолининг қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш, бозор конъюктурасини ўрганиш асосида хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини оширишга асосий эътибор қаратилаяпти. Ўтган йили бу соҳада мўлжалдаги 1 миллиард 30 миллион 840 минг сўм ўрнига, 3 миллиард 88 миллион 253 минг сўмлик кўрсаткичга эришилди. Омонатчилар сони эса 629 мингталан 640 тага етди. «Наврўз совғаси», «Қадрият», «Саховат», «Тантана», «Ассалом, Янги йил» ютуқли омонатлари, «Фахрий», «Сармоя плюс», «Тадбиркор» каби омонатларга мижозларнинг қизиқиши кундан-кунга ортиб бормоқда.

— Ўтган йили бошқармамиз бўйича барқарор фаолият юритиш, рақобатбардошликни ошириш нуқтаи назаридан ҳар тарафлама мувозанатлашган кредит портфели шаклланди, — дейди бошқарма бошлиғи М. Ҳамроқулов. — Банк томонидан жисмоний ҳамда юридик шахсларни кредитлаш мақсадида 1 миллиард 212 миллион сўм кредит қўйилмалари жойлаштирилди. Жумладан, 78 та юридик шахсга 141 миллион 200 минг сўм, жисмоний шахсларга эса 639,5 миллион сўм қисқа ва ўрта муддатли кредитлар ажратилди. 2003 йил 1 январь ҳолатига кўра эса, мавжуд кредит қолдиғини 2002 йилдаги кўрсаткичга нисбатан хўжалик субъектларига ажратилган кредитлар ҳисобига 179 миллион 200 минг сўмга, истеъмол кредитлари ҳисобига 494 миллион 800 минг сўмга оширишга эришилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш борасида ҳам банк шохобчаларида ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тўлов-контракт асосида таълим олаётган 240 нафар талабага 745 миллион сўмлик «Таълим» кредитлари берилди. «Абитуриент» қисқа муддатли омонат кредити бўйича эса 30 талабага 6 миллион сўм ажратилди. Йил давомида 9,5 миллион сўмлик асосий қарз тўловлари ундирилди.

Ўтган йили, шунингдек, 146 нафар фуқаро банкнинг қисқа муддатли «Таҳсил» кредитидан фойдаланди. Уларга берилган кредит миқдори 51 миллион сўмни ташкил этди. Йил мобайнида ундирилган асосий қарз тўловларидан эса 1 миллион 527 минг сўмдан кўпроқ даромад олинди.

Узоқ муддатли «Талаба» кредитининг сўраб банкка мурожаат қилган 62 фуқаронинг ҳожати ҳам қондирилди. Уларга 17,6 миллион сўм миқдорида кредит берилди. Асосий қарз тўловлари — 3 миллион 368 минг 100 сўм банк шохобчаларига келиб тушди.

Истеъмол кредитларини ажратиш борасида ҳам ўтган йили анча силжишга эришилди. Йил мобайнида 185 нафар фуқаро 578,1 миллион сўм миқдорида ана шу кредитлардан фойдаланди. 73,6 миллион сўмлик асосий қарз тўловлари банкка қайтарилиб, фоиз тўловларидан 12 миллион сўмдан ортиқ даромад олинди. Жумладан, уй-рўзғор буюмлари сотиб олиш учун бериладиган «Комфорт», ёш келин-куёвларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган «Тўёна», мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомашиналар харид қилишга мўлжалланган «Авто-кредит» каби кредитларга аҳолининг қизиқиши ошди. Умуман, 2002 йилда 118,3 миллион сўм соф фойда олишга эришилди.

Бошқарманинг актив ва пассивларни бошқариш бўлими маълумотига қараганда, 2003 йил 1 январь ҳолатига кўра, жами активлар 7754,7 миллион сўмни ташкил этди. Даромад келтирувчи активлар 2002 йилда 1515,6 миллион сўмга кўпайди. Бир йил мобайнида банк капитали 6,6 бараварга ошди, бизнес-режа бўйича бу кўрсаткич 153,5 фоизга бажарилди.

Маълумки, банкнинг ликвидлик позицияси биринчи навбатда унинг базаси барқарорлигига боғлиқ. Шу боис мустаҳкам ресурс базасини яратиш, яъни мажбуриятлар таркибида аниқ муддатга жалб қилинган муддатли омонатларнинг салмоғини ошириш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Айниқса, аҳолини ҳамда банкнинг юридик мижозларини қизиқтирадиган янги турдаги омонат ёки депозитли сертификат жорий этиш бу борада муҳим вазифа саналади. Айнан шу соҳада бошқарма ва унинг шохобчаларида янгиликка йўл очувчи изланишлар олиб борилаяпти.

Банкнинг барча филиалларида кичик ва ўрта бизнесни, деҳқон ва фермер хўжаликларини, савдо ва бошқа соҳаларни ривожлантириш учун ҳам қисқа ва ўрта муддатли кредитлар ажратилаяпти. Ўтган йили ана шундай хўжалик юритувчи субъектларга 504 миллион сўмга яқин кредитлар берилди. Бундай кредитлардан «Дори-дармон» давлат акционерлик концерни таркибидаги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензиясига эга бўлган дорихоналар, ёнилғи қуйиш шохобчалари ҳам баҳраманд бўлишди.

Халқ банкини 2001-2005 йилларда ривожлантириш дастурига асосан, 2002 йилда банк мижозларини кескин кўпайтиришга эришилди. Улар сони 828 талан 1484 тага етказилди. Мижозларнинг 625 таси деҳқон ва фермерлар, 211 таси хусусий фирмалар, 193 таси хусусий тадбиркорлар, 47 таси турли шаклдаги давлат корхоналари, 25 таси нефть корхоналари, 16 таси дорихоналар ва 367 таси бошқа юридик ташкилотлардан иборатдир.

Кейинги йилларда мамлакатимиз тижорат банкларида чет эл валютасидаги ўтказмаларни тўлаш ва ўтказиб бериш борасида ҳам бирмунча ютуқларга эришилмоқда. Бунга кўпгина банкларда халқаро пул ўтказиш тизимларининг жорий этилгани сабаб бўлаяпти. Бошқарманинг Сиёб ва Боғишамол филиалларида АҚШнинг Вестерн Юнион халқаро тизими жорий қилинган. Бу тизим орқали бир неча дақиқа ичида пул маблағлари эгаларига етказиб берилади.

2002 йилда Сиёб туманидаги мижозлар ҳисобварақларига келиб тушган 1484 минг АҚШ долларига тенг маблағ ҳамда Боғишамол тумани филиали ҳисоб рақамларига келиб тушган 239 минг АҚШ доллари ушбу тизим орқали ўтказиб берилди. Шунингдек, 75 минг АҚШ долларилик пул маблағлари ҳам жаҳоннинг турли мамлакатларига юборилди.

Банк муассасаларида Вестерн Юнион тизими билан бир қаторда Свифт халқаро пул ўтказиш тизими ҳам фаолият кўрсатаяпти. Ушбу тизим мижозларга маблағларни дунёнинг исталган нуқтасига юбориш ёки ҳисобварақларига келиб тушган маблағларни ўз вақтида олиш имконини беради.

Хуллас, Халқ банки Самарқанд вилоят бошқармаси жамоаси фаолиятида ўзгаришлар катта. Халқ банки ўз номига яраша доимо халқ хизматида бўлаяпти.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

